ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ

Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналари хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш ҳамда халқаро андозаларга уйғунлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент 1-иловага мувофиқ;

Техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналарини синовлардан ўтказиш, рўйхатга олиш ва реестрга киритиш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда бир ой муддатда муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва техникаларини хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Муомалага чиқарилаётган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги транспорт воситалари ва машиналари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб саккиз ой ўтгандан кейин амалга киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги “Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 80-сон Қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. АРИПОВ**